



КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУХИМ ЖИХАТЛАРИ

Ибрагимов Акмал Ишмуратович

“CONSILIUM” Адвокатлик фирмаси адвокати
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164448>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Кибержиноятчилик,
кибермакон, кибертаҳдид,
киберхавфсизлик,
киберхавфсизлик ҳодисаси,
киберхужум, киберҳимоя,
чора-тадбирлар,
виктимологик
профилактика.

ABSTRACT

Ушбу мақолада, ахборот - коммуникация технологияларини кенг қўллаш билан боғлиқ ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши оқибатида, юзага келган, киберхужумлар ва кибержиноятларни самарали профилактика қилишнинг муҳим жихатлари ёритиб берилган.

Дунёда хавфсизликка таҳдид солувчи кучлар ва жиноятларнинг тури кўп, айнан шулар орасида кибермаконда кибержиноятчилик глобаллашув даврининг, муҳим масаласига айланиб бормоқда. Бугунги кунда глобал ахборот майдонида кибермакон билан боғлиқ турли хил таҳдидлар юзага келмоқда.

Шу боис виртуал оламдаги янгидан-янги хужумлардан ҳимояланиш масаласи дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Таҳлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберхужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган хужумлар қурбонига айланмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи киберхужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картасидаги маблағларини ўзлаштириш, зарарли вируслар тарқатиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидапарастликка қаратилган ахборот хуружлари, онлайн савдо майдонидаги фирибгарлик жиноятлари кўпайиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда **7 миллиардга** яқин инсон (дунё аҳолисининг 95%) электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган[1], йилига қариб кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг **1 %**ни ташкил этади[2].



Ачинарлиси, ахборот технологиялари ёрдамида ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл урган шахслар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этмоқда. Республикамизда виртуал оламдаги қонун бузилишларининг аксарияти 16-23 ёш оралиғидаги ўсмир-ёшлар томонидан содир қилинмоқда. Бундан кўриниб турибдики, киберхавфсизликни таъминлаш масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таҳлилларга кўра, дунёда Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг 26,5%ни 10-24, 26,7%ни 25-34, 20,4%ни 35-44 ёшдагилар ташкил қилади. Кўриниб турибдики, Интернет фойдаланувчиларининг катта қисми ёшлардан иборат. Россиянинг IT ва IT хавфсизлиги бўйича энг йирик ахборот воситаларидан бири бўлган “Hacker” мутахассисларининг таъкидлашича, хакерларнинг аксарияти шунчаки “бўш вақтларини мароқли ўтказмоқчи бўлган” зериккан болалардир. Хакерларнинг фақат 10% ўз ҳаракатларига ҳисобот бера оладилар. Интернет тармоғидаги вандализм актларининг 90% 13 ёшли болалар томонидан амалга оширилади[3].

Интернет орқали содир этиладиган жиноятлар профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлаш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида, қуйдаги тушунчаларга урғу берилган, **кибержиноятчилик** ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси, **кибермакон** ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит, **кибертахдид** кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи, **киберхавфсизлик** кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати, **киберхавфсизлик ҳодисаси** кибермаконда ахборот тизимларининг ишлашида узилишларга ва (ёки) улардаги ахборотнинг очиқлиги, яхлитлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса **киберхужум** кибермаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракатларга қарши курашиш механизми бевосита қонунчилида мустахкамланган. Айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни олдини олиш бўйича бир қанча омиллар қийинчиликлар келтириб чиқармоқда, буларга *биринчидан*, техниканинг ривожланиши билан ушбу соҳадаги жиноятларнинг ортиб бораётганлиги; *иккинчидан*, ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларни аниқлаш ва фош этишнинг самарали шакл ва усуллари мавжуд эмаслиги; *учинчидан*, фуқароларнинг ўзига нисбатан содир этилган киберхужумлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришни истамасликлари; *тўртинчидан*, кибертахдидлардан фуқароларда ўзини эҳтиёт қилиш борасида тажрибанинг камлиги ва бошқа омилларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6196-сон фармонида мувофиқ, **ҳар бир маҳалла, оила ва шахс**



кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали **ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш**, шунингдек ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир **туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш** ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноят ўчоқларини бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларининг жорий этилиши кибермаконда кибертахдидлар ва кибержиноятларга қарши курашишда дастлабки қадамлар ташланганлигидан далолат эди.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш, мамлакатимизни жадал ривожлантириш, шунингдек фуқароларни кибержиноятлар, кибертерроризмдан ва бошқа маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади[4].

Мухтасар қилиб айтганда мамлакатимиз миқёсида кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида аҳоли ўртасида ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш борасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ҳудудлар кесмида содир этилган кибержиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, ахборот технологиялари соҳасида жиноятлар содир этган ва содир этишга мойил шахслар билан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни самарали механизмларини ишлаб чиқиш, фуқароларни ахборот технологиялари соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан мунтазам хабардор қилиб туриш, ҳамда улар ўртасида виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, қолаверса айнан шу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш бугунги куннинг муҳим талабидир, шундагина биз кибержиноятчиликка қаши курашишда ижобий натижаларга эришишимиз мумкин.

References:

1. Расулев А. К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Юрид. фанлар доктори диссертациясининг автореферати. Т., ИИБ Академияси, 2018. - Б-5.
2. <http://www.statista.com/The StatisticsPortal>).
3. Расулев А.К., Саъдуллаев Г.А Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ахборотномаси// 2021й1(48)-с,62-б
4. Тоғаева М.Н Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари./– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022. 231 б.